

**Ташкилотчи:** Ўзбекистон республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиши инспекцияси Тошкент вилоят бошқармаси

**2 июнь 2022 йил**

## **ПРЕСС-РЕЛИЗ**

**МАВЗУ:** “Ўзагроинспекция”нинг Чорвачиликда наслчилик ишларини назорат қилишга доир қонунчилик ижроси ва чорвачилик учун ажратилган субсидиялар натижаси ҳамда қишлоқ хўжалиги техникаларини қўрикдан ўtkазиш самарадорлиги йўналишида амалга оширилган ишлар ва ёғ-мой ишлаб чиқаришда сифат назорати.

Бугунги бўлиб ўтаётган пресс-тур кун тартибидаги масала бўйича Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясини Тошкент вилояти бошқармасининг Чорвачиликда наслчилик ишларини назорат қилиш бўлими бош инспектори А.Болтаев ахборот беради.

Инспекциянинг Тошкент вилоят бошқармаси томонидан Чорвачиликда наслчилик ишини назорат қилиш соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар билан бирга йўл қўйилаётган камчиликларни жойларда бартараф этиш ва чорвачилик соҳасига амалий ёрдам бериш борасида муайян ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда Инспекция бошлигининг соҳавий бўйруқ ва кўрсатмаларига асосан, вилоятда қорамоллар ва қўй-эчкилар бош сони, гўшт ва сут ишлаб чиқаришни кўпайтириш, наслчилик ишлари ва хизмат кўрсатишини янада ривожлантириш, озуқа базасини мустаҳкамлаш бўйича белгиланган чоратадбирлари ижросини таъминлаш борасида, қорамолчилик, балиқчилик, паррандачилик, қўйчилик, эчкичилик, асаларичилик, қуёнчилик соҳасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан доимий назорат ишлари олиб борилмоқда.

Ҳозирги кунда, вилоятда чорвачилик йўналишида **1 минг 599 та** хўжалик юритувчи субъектлар фаолият кўрсатиб келмоқда.

**Шундан, 705 та** қорамолчилик хўжаликларида **89 минг 387 бош** қорамоллар, **268 та** қўйчилик йўналишидаги хўжаликларда **198 минг 773 бош** қўйлар, **7 та** эчкичилик йўналишида хўжаликларида **5 минг 404 бош** эчкилар, **16 та** йилқичилик йўналишида хўжаликларида **1 минг 315 бош** отлар, **2 та** туячилик йўналишида хўжаликда **104 бош** туялар парваришланмоқда.

**Шунингдек, 78 та** паррандачилик йўналишида хўжаликларда **8 млн. 785 бош** паррандалар, **457 та** балиқчилик йўналишида хўжаликларда **9 минг**

**35 гектар** сунъий сув ҳавза майдонларда балиқлар, **50 та** асаларичилик йўналишида хўжаликларда **6 минг 443 та** асалари оиласлари, **4 та** қуёнчилик йўналишида хўжаликларида **2 минг 606 бош** қуёнлар парваришлиномоқда.

Бугунги кунда, вилоят бўйича **жами 195 та** наслчилик мақомига эга субъектлар фаолият юритиб келмоқда.

*Шундан, 149 та* қорамолчилик, *14 та* қўйчилик, *4 та* эчкичилик, *14 та* ийлқичилик, *1 та* туячилик, *9 та* паррандачилик, *2 та* балиқчилик, *1 та* қуёнчилик йўналишларидағи наслчилик хўжаликлари фаолият кўрсатиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 12 майдаги “Чорвачилик тармоғига давлат томонидан субсидия ажратишни тартибга соловчи норматив-хуқуқий хужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ти 280-сонли қарори ижроси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Агросаноат мажмуй устидан назорат қилиш инспекцияси бошлиғининг 2020 йил 14 майдаги И 24 - сонли буйруғи қабул қилиниб, бу борада вилоят бўйича доимий назорат ишлари олиб борилмоқда.

Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида, вилоятда чорвачилик тармоғига давлат томонидан субсидия ажратиш бўйича 2021-2022 йилларда вилоят бўйича фермер хўжаликлар ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар томонидан чет давлатлардан келтирилган юқори маҳсулдор бўлган жами **6 минг 390 бош**, шундан 2022 йилда **1 минг 168 бош** наслли қорамоллар белгиланган талаблар асосида парваришилмоқда.

Қарорга мувофиқ, чорвачилик маҳсулотлари етиштирувчи хўжаликларга давлат томонидан қўйидаги миқдорда субсидия ажратилади:

Республикадаги наслчилик хўжаликларида етиштириб сотилган наслдор қорамолнинг ҳар бир бошига **1 миллион сўм**;

хорижий давлатлардан импорт қилинган наслдор қорамолнинг ҳар бир бошига **2 миллион сўм**, наслдор қўй ва эчкининг ҳар бир бошига **400 минг** сўм.

**Балиқчилик хўжаликларига давлат томонидан қўйидаги тартиба:**

интенсив усулда етиштирилган бир тонна балиқ маҳсулоти учун **1 миллион сўм**;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилинган бир дона наслдор она балиқнинг **3,5 миллион** сўмгача бўлган харажатларининг **50 фоиз** қисмига субсидия ажратилади.

Паррандачиликда субсидия олувчиларга, импорт қилинган ҳар бир бош бир қунлик наслдор жўжа учун давлат томонидан **9 минг** сўм субсидия ажратилиши белгиланган.

Субсидия олувчи хўжалик юритувчи субъектлари белгилаб қўйилган қўйидаги талабларга мос келиши шарт.

Импорт қилинадиган наслдор қорамоллар қўйидаги талабларга мос келиши лозим:

гўшт ва сут йўналишидаги хўжаликларда - наслдор қорамолларнинг туғиш вақтида кутилаётган ёши 30 ойдан кўп бўлмаслиги, бўғоз бўлган, ҳомиланинг отаси тўғрисидаги қўшимча маълумотлар мавжуд бўлиши лозим.

Наслчилик хўжаликлирида етиштирилган наслдор қорамоллар қўйидаги талабларга мос келиши лозим:

ёши кўпи билан 18 ойгача бўлган зотдор урғочи ёш қорамол бўлиши.

Импорт қилинадиган наслдор қўй ва эчкилар қўйидаги талабларга мос келиши шарт:

тана тузилиши - мустаҳкам конституцияли;

наслдор қўй ва эчкилар ёши 6 ойликдан қам бўлмаслиги.

Субсидия олувчилар наслдор қорамол, қўй ва эчкилардан камида 2 авлод олгунгача сақлаш зарур.

Балиқчилик йўналишида субсидия олиш учун интенсив усулдаги технологияда балиқ етиштириш қўйидаги талабларга мос бўлиши лозим:

интенсив сунъий сув ҳавза технологиясидан фойдаланилганда гектаридан юқори тифизлиқда балиқ етиштириш 8 тоннадан кам бўлмаслиги, интенсив кичик сув ҳавза технологиясидан фойдалангандан, оқар сув ҳавзали қурилмалардаги 1 м<sup>3</sup> ҳажмдаги сувда юқори тифизлиқда балиқ етиштириш 10 кг (карп балиқлари учун 5 кг)дан кам бўлмаслиги, интенсив ёпиқ сув айланма тизими технологиясидан фойдаланилганда ёпиқ бино ёки иншоотларда ўрнатилган сув ҳавза ускуналарида 1 м<sup>3</sup> ҳажмдаги сувдан юқори тифизлиқда балиқ етиштириш 20 кгдан кам бўлмаслиги, қафас (садок) мосламаларида интенсив балиқ етиштириш технологиясидан фойдаланилганда очиқ сув ҳавзаларида ўрнатилган қафас (садок) мосламаларда юқори тифизлиқда балиқ етиштириш 1 м<sup>3</sup> ҳажмдаги сувда 10 кгдан кам бўлмаслиги ҳамда субсидия олиш учун импорт қилинадиган наслдор она балиқ қўйидаги талабларга:

наслдор она балиқнинг зоти Ўзбекистон Республикаси урчитиладиган балиқ зотига мос бўлиши, келиб чиқиши ҳужжатлар (наслдор она балиқ гувоҳномаси) билан тасдиқланган бўлиши белгиланган.

Паррандачиликда субсидия, хорижий давлатлардан бир кунлик наслдор жўжаларни импорт қилишда харажатлар ўрнини қисман қоплаш учун юридик шахсларга ушбу Низом талблари асосида бериладиган маблағ ҳисобланиб, субсидия олувчилар - бир кунлик наслдор жўжаларни импорт қилувчи “Паррандасаноат” уюшмасига аъзо бўлган паррандачилик хўжаликлари

ва паррандачилик хўжаликлари томонидан тухум ёки гўшт йўналишидаги паррандаларнинг ота-она галасини шакллантириш учун импорт қилинган, келиб чиқиши хужжатлар билан тасдиқланган бир кунлик наслдор жўжалар учун ажратилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Тошкент вилояти чорвачиликни ривожлантириш фаолиятини самарали ташкил этишини таъминлаш комиссияси томонидан **Вазирлар Маҳкамасининг 280-сонли қарорига** асосан 2022 йилнинг ўтган даврида **жами 11 та** хўжаликларга **2 млрд. 550 млн.** сўм, шундан, **6 та** қорамолчилик субъектларига **365 бош** четдан келтирилган қорамоллар учун **730 млн.** сўм, **5 та** паррандачилик субъектига четдан келтирилган **202 минг бош** 1 кунлик наслли жўжалар учун **1 млрд. 820 млн.** сўм миқдорда субсидия ажратилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 12 июлдаги “Чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик хўжаликлариغا улар томонидан етиширилган ва сотилган маҳсулотлар учун субсидия ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида”ги 434-сонли қарорига асосан Тошкент вилояти бўйича **169 та** субъектларга **44 млрд. 476 млн. сўм** миқдорида субсидия ажратилган бўлиб, шундан, **84 та** чорвачилик субъектларида реализация қилинган **18 минг 479 тонна** сут маҳсулоти учун **5 млрд. 643 млн. сўм**, **18 та** чорвачилик субъектларига реализация қилинган **2 минг 600 тонна** гўшт учун **9 млрд. 408 млн.** сўм, **32 та** паррандачилик субъектларига **7 минг 903 тонна** парранда гўшти учун **18 млрд. 548 млн. сўм**, **28 та** паррандачилик субъектларига реализация қилинган **157,6 млн.** дона тухум учун **7 млрд. 883 млн. сўм**, **7 та** балиқчилик субъектларига реализация қилинган **2 минг 992 тонна** балиқ учун **2 млрд. 992 млн. сўм** миқдорида субсидия ажратилган.

Шу билан бирга, четдан келтирилган наслли қорамолларни рўйхатга олиш ва белгиланган тартибда парваришлаш ҳамда кўпайтириш, наслчилик ишларини юритиш борасида хўжалик юритувчи субъектларга доимий равища амалий ёрдамлар ҳамда тавсиялар бериб келинмоқда.

Шунингдек, Инспекциянинг Тошкент вилояти бошқармаси томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 апрелдаги “Қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларидан фойдаланишни такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги 325-сонли қарори ижроси юзасидан бир қатор ишлар амлга оширилмоқда.

Қарор ижроси доирасида инновацион технологиялардан фойдаланиб қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл қурилиш техникаларини бошқариш хуқуқини берувчи тракторчи машинист гувоҳномаларини бериш бўйича “TM Agrotexuz” ягона электрон базаси шакллантирилди. Мазкур платформага тракторчи машинист курсларга тайёрловчи ўкув муасссалари киритилиб муассаса

рахбарларига логин пароллар берилди. Бу орқали муассаларда таълим олиб келаётган талабгорлар сонини, ўқув жараёни ва унинг сифатини назорат қилиб боришига имконият яратилди.

Шунингдек талабгорлардан назарий имтихонлар олишда фойдаланиладиган “эскича” қоғоз шаклдаги шаблонлардан воз кечилди. Энди бўлажак машинистлар янги платформа ўрнатилган компьютерларда синов имтихонларини топширадилар. Ва бу билан имтихонлар шаффоф ўtkазилишига ҳамда жисмоний шахсларнинг вақтини тежалишига эришилди.

Вилоят бўйича 2022 йил ғалла ўрим-йифим мавсумида жами 293 дона шундан, 110 дона “Кейс 4088” ва “Нью Холланд” русумли, 139 дона “Клаас” русумли, 39 дона “Вектор-410” русумли ва 5 дона бошқа русумли ғалла ўриш комбайнлари иштирок этиши режалаштирилган.

Жумладан, мазкур ғалла ўриш комбайнларини таъмирлаш учун 8 млрд. сўмдан ортиқ пул маблағлари талаб этилиши ҳисоб-китоб қилинган бўлиб, ҳозирги кунда мазкур маблағлар тўлиқ ўзлаштирилиб, жорий йилда ғалла ўрим-йифим мавсумида қатнашиши режалаштирилган 293 та юқори унумли дон ўриш комбайнларидан барчаси таъмирлаш ишлари тўлиқ якунланди.

Шунингдек, мавжуд комбайнларини мавсумга тайёрлаш ва мавсум давомида бетўхтов ишлашини таъминлаш учун эҳтиёт қисмлар заҳираси яратилмоқда.

Мазкур таъмирдан чиқарилган ғалла ўриш комбайнларига мувофиқлик сертификати асосида қабул қилишни ташкил этиш бўйича “Ўзагроинспекция”нинг вилоят бошқармаси бошчилигига ишчи гурӯҳ тузилиб, ишчи гурӯҳ томонидан белгиланган тартибда мувофиқлик сертификати асосида қабул қилиб олиш ишлари якунига етқазилди.

“Ўзагроинспекция”нинг Тошкент вилояти бошқармаси ҳамда туман бўлимлари томонидан 2022 йилда 1 минг 500 донадан ортиқ қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл қурилиши техникалари рўйхатга олиниб, трактор ва бошқа ўзиюрар техникаларга 1100 донага яқин давлат рақам белгиси, 1 минг 900 донадан ортиқ техник паспорт, қишлоқ хўжалиги машина ва агрегатларига 700 донага яқин техник гувоҳнома берилган ҳамда 6 минг 600 донадан ортиқ техникалар мажбурий техник кўриқдан ўтказилди.

Ҳозирда Тошкент вилоятида жами 27 мингдан ортиқ қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл қурилиш техникаларини давлат рўйхатидан ўтказиган бўлиб, шундан 600 га яқинини чорвачилик йўналишида фаолият юритиб келаётган фермер хўжалигларига тегишли.

Мазкур техникалар “Ўзагроинспекция”нинг вилоят бошқармаси ҳамда туман бўлимларининг тегишли қарорларига кўра қатый графиклар асосида йиллик мажбурий техник кўриқдан ўтказиш ишлари олиб борилмоқда.

Хусусан, Тошкент вилояти Тошкент туманида фаолият юритиб келаётган “Иzzat” чорвачилик фермер хўжалиги ҳисобида жами 10 дан ортиқ маҳсус техниклар мавжуд бўлиб, мазкур техникаларнинг барчаси тегишли тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиб, замонавий пластик шаклда техник паспортлар берилиши таъминланган.

Ҳозирда мазкур фермер хўжалиги томонидан янги харид қилинган замонавий қишлоқ хўжалиги агрегатларини давлат рўйхатига олиш билан бир қаторда хўжаликка тегишли барча техникаларни йиллик мажбурий техник кўриқдан ўтказиш ишлари амалга оширилмоқда.

Пахта хом-ашёси, дон, уруғлар ва уларни қайта ишлашдан олинган маҳсулотлардан фойдаланишни назорат қилиш йўналишида амалга оширилган ишлар юзасидан катта инспектор Ш.Шайманов маълумот беради

Инспекциянинг Тошкент вилоят бошқармаси томонидан Пахта хом-ашёси, дон, уруғлар ва уларни қайта ишлашдан олинган маҳсулотлардан фойдаланиш–Хукумат Қарор ва Фармонлари талабларига риоя этилишини ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида муайян ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги ПФ-6094 сонли қарори билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 январдаги “Мамлакат иқтисодиётининг тармоқларини талаб юқори бўлган маҳсулот ва хом ашё турлари билан барқарор таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3479-сонли қарорининг 2-банди а-кичик банди янги таҳрирда баён этилган.

Унга кўра пахта техник чигитини бижа савдоларида харид қилувчи ёғмой корхоналарининг технологик жараёнига янги шарт қўйилди, яъни корхоналар пахта чигитини қайта ишлаш учун тўлиқ технологик цикл яъни мағизни янчиш, гидротермик ишлов бериш, пресслаш, экстракциялаш, рафинациялаш, дезодорациялаш ва қадоқлаш цехларига ҳам эга бўлиши шартлиги белгиланди.

Бундан ташқари корхоналарнинг пахта техник чигитини тўлиқ технологик циклда мақсадли қайта ишлаганлиги ҳамда уларнинг маҳсулот сифатини тасдиқловчи гигиеник хулоса ва мувофиқлик сертификатларига эга эканлиги устидан назорат Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси зиммасига юклатилди.

Мазкур Фармон ижроси доирасида Инспекциянинг Тошкент вилоят бошқармаси томонидан корхоналарнинг пахта техник чигитини тўлиқ технологик циклда мақсадли қайта ишлаганлиги устидан доимий назорат йўлга қўйилган.

Ҳозирги кунгача, вилоятда фаолият тури ёғ-мой ишлаб чиқариш билан боғлиқ мулкчилик шаклидан қатъий назар рўйхатдан ўтган 56 та корхоналарда ўтказилган назорат тадбирлари текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимида хабардор қилиш тартибида ва тадбиркорларнинг мурожаатига асосан ўтказилиб, дастлабки текширув натижасига кўра, ПФ-6094-сонли Фармонда белгиланган талаб 18 ёғ-мой корхонасида таъминланган ва 38 тасида таъминланмагани аниқланди.

Назорат тадбирлари давомида аниқланган камчилик ва қонунбузилишлар юзасидан ёғ-мой корхоналарига нисбатан жами 62 та таъсир чоралари кўрилиб, 13 та огоҳнома, 49 та ёзма қўрсатма, 5 та маъмурий баённома расмийлаштирилиб, 5 та материал ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилиб номувофиқ деб топилган корхоналар пахта техник чигитини харид қилиш бўйича биржа савдоларида иштирок этишини ва энг асосийси талабга жавоб бермайдиган сифатсиз ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш олди олинди

Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 2 апрелдаги 03/1-665-сонли топширифи ва Инспекция бошлигининг 2022 йил 4 апрелдаги 02/2-11.1-565-сонли топширифи ижроси доирасида пахта тўқимачилик кластерлари ва ёғ-мой корхоналари томонидан тасдиқланган ойлик жадвалларга мувофиқ техник чигит ва пахта ёгини биржа савдоларига қўйилишини Инспекция ваколати доирасида назорати амалга оширилмоқда.